Ушбу сонда:

2 БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ, КАМ БЎЛМАЙМИЗ ҲАМ

3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА

4 ТАИЛАНДДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 15 апрел, жума № 62 (1903)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ФЬЮЧЕРС»:

## БАҲСЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қарши шаҳрида давом этаётган халқаро турнирнинг чорак финал ҳамда якка беллашувлари иккинчи давра мусобақалари якунланди. Унда Сергей Демехин - Игор Куницин, Павел Иванов - Михаил Ледовских, Мурод Иноятов - Денис Истомин ва Денис Мацукевич - Евгений Смирнов жуфтлиги ярим финалга йўлланма олди.

Якка баҳсларда турнирнинг биринчи ракеткаси, россиялик Игор Куницин рақиби Дмитрий Ситакни енгиб, чорак финалга чиқди. Ҳамюртимиз Акмал Шарапов эса ўзидан кўра анча тажрибали хитойлик теннисчи Чен Тини иккинчи даврада таслим этди. Шунингдек, юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Сарвар Икромов, Денис Истомин, россиялик Евгений Смирнов, Кирилл Иванов-Смоленский, Александр Маркин, Денис Мацукевич чорак финалда мусобақаларни давом эттирадиган бўлди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

***Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:***

1. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,2 баравар оширилсин.

2. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи - ойига 7835 сўм;

ёшга доир пенсиялар - ойига 15505 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нолинчи) разряд -ойига 7835 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 15505 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 9390 сўм миқдорида белгилансин.

3. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сонли Фармони билан уй-жой коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари жорий этилган бюджет ташкилотлари ходимларидан айрим тоифаларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,35 баравар оширилсин ва мазкур компенсация тўловлари бекор қилинсин, жумладан мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ 1,2 баравар оширилсин, қолган қисми эса - бекор қилинадиган компенсация пул тўловлари ҳисобидан амалга оширилсин.

4. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари энг кам иш ҳақига нисбатан табақалаштирилган миқдорларда бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг янгиланган рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

7. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

8. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилган ва меҳнат сарфи камайтирилган тақдирда иш ҳақи миқдорини оширсин.

9. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 июлдаги ПФ-3450-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сонли Фармони иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 13 апрел

*Ал-Ҳаким ат Термизий хотира соврини учун кураш бўйича VII-Халқаро турнир олдидан*

***Билаги кучга тўла полвонларнинг куни туғди. Яна бир ҳафтадан сўнг, яъни шу йилнинг 22-24 апрел кунлари Термизда Ал-Ҳаким ат Термизий хотира соврини учун кураш бўйича VII-Халқаро турнир ҳамда фахрий полвонлар ўртасида I-жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.***

## МАЙДОН ВА СОВРИН ҒОЛИБНИКИ БЎЛАДИ

- Нуфузли турнирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича вилоят ҳокими раҳбарлигида ташкилий қўмита тузилган бўлиб, меҳмонларни кутиб олиш ва мусобақаларни ташкил этиш юзасидан талай ишлар амалга оширилди, - дейди Сурхондарё вилоят жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси Рўзи Ўтаев. - Жумладан, "Алпомиш" ўйингоҳи тўлиқ таъмирланиб, ҳозирда байрамона безатилмоқда. Мусобақа иштирокчилари учун ечиниш ва кийиниш хоналари тахт қилиб қўйилди. Ўйингоҳга 500 дона пластмасса стуллар, 20 дона стол ўрнатилди. Электр тармоқлари кўздан кечирилиб, заҳира дизел мотори тайёрлаб қўйилди. Меҳмон ва мезбонларга намунали хизматни йўлга қўйиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Тиббий хизмат ташкил этилади. Автоуловлар сақланадиган жойлар ажратилади.

Бу йилги Халқаро турнирда полвонлар асосан мутлақ вазн бўйича кураш олиб борадилар. Юртимиз шарафини бошқа курашчиларимиз қаторида жарқўрғонлик Ўрол Норбоев, ТерДУ талабалари Суҳроб Дўстов, Бобомурод Рустамов, термизлик Ориф Норбоев, Умид Жўраев, сариосиёлик Мингали Тошмуродовлар ҳам ҳимоя қиладилар.

Мутлоқ ғолибга Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини - 20 минг АҚШ доллари топширилади.

**Р.ДАВЛАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири**



М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Бешариқ туманидаги "Бестекс" Ўзбек - Герман - Турк қўшма корхонасида олий сифатли калава ип ишлаб чиқарилмоқда. Шунинг учун бўлса керак корхона маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда.

Буюртмачилар асосан хориж давлатлари. Масалан ўтган йили Туркия ва Португалияга бир миллион 885 минг килограммдан ортиқ калава ип экспорт қилинди.

Айни пайтда қўшма корхонада 415 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг 80 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Корхонада бу йил 5 минг 29 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

***Суратда: ишчи Юлдуз Шерматова.***

*Фармон ва ижро*

## ҚОҚИЛГАННИ СУЯМОҚ - САВОБ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармонига мувофиқ жазони ўташ муассасаларидан озод этилган фуқаролар орасида қашқадарёликлар ҳам бор.

Қарши шаҳрининг «Темирйўлчи» маҳалласида яшовчи Бахтиёр Бобожонов - уларнинг бири. У ислом дини арконларини иштиёқ билан ўрганишга киришганида, атрофида «илм» ўргатувчи раҳнамолар пайдо бўлди. Шундай қилиб, ёш йигит жиноят йўлига кирганини - террорчиликка чақирувчи ҳар хил варақаю китобларни тарқатишга тушганини билмай қолди.

- Адашганимни тушуниб етганимда, афсуски, кеч бўлган - ҳибсга олинган эдим, - дейди Бахтиёр. - 1999 йил сентябрда, 26 ёшимда 13 йилга озодликдан маҳрум этилдим. Юртбошимиз Ислом Каримов мендек адашган кўплаб маҳбусларнинг айбларини кечирганини эшитиб, бошимиз осмонга етди. Президентимизнинг бу ишончи ва ғамхўрлигини ҳалол меҳнатим билан оқлашга ҳаракат қиламан.

Сайфулло Йўлдошев героин савдоси билан қўлга олиниб, ўн икки йилга озодликдан маҳрум этилганди. У ҳам нақадар оғир жиноятга қўл урганини, оиласи бағрида ҳалол ва тинч-тотув яшашдан улуғроқ бахт йўқлигини авахтада тушуниб етди. Амнистия туфайли озодликка чиққан Сайфулло энди ўз бахтини ҳалол меҳнатдан топмоқни ният қилган.

- Афв этилганларнинг кўпчилиги ёшлар, - дейди Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги муқаддам судланганларни ижтимоий ҳимоялаш кўникма марказининг раҳбари Анвар Хўжақулов. - Суҳбатлардан аён бўладики, уларнинг жиноят кўчасига кириб қолишига аксарият ҳолларда оилада ота-она назоратининг сустлиги, турмушда учрайдиган муайян қийинчиликларни енгишда ҳаётий тажрибанинг етишмаслиги сабаб бўлади.

Амнистия туфайли озод этилган фуқароларнинг деярли барчасига моддий ёрдам кўрсатилди, 185 нафари ишга жойлаштирилди.

Озодликка чиққан ногирон, нафақахўр ва хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Касалликка чалинганлар даволаш муассасаларига жойлаштириляпти.

**(ЎзА)**

## МУНАВВАР ТОНГЛАР ШУКУҲИ

***Оламни нурга, ёғдуга тўлдириб яна бир тонг отади. Мусаффо осмон, тинч, осуда тонгни энг аввал қушлар чуғурлашиб қаршилайди. Майин эсаётган шабадалар эса дарахт гулларини силкитиб туғилаётган янги кунни муаттар атирга кўмади. Ҳар барг, ҳар чечак янги кунни олқишлайди. Нуроний онахон ва отахонлар эса дунё тинч, осмонимиз беғубор, кунларимиз файзли бўлсин, дея дуога қўл очишади. Ҳа, осойишталикда отаётган тонглар эл-улус учун бебаҳо бойлик эканлигини ана шу фидойи инсонлар ҳаммадан кўра теран англайдилар. Негаки, улар уруш келтирган жудолик ва айрилиқ инсоният учун офат эканлигини теран идрок этадилар. Ўша даврнинг машъум йўқотишлари ҳамон уларнинг қалбларини зирқиратиб, урушда йўқотган жигарбандларини хотирлаб, кўзлари ёшланади.***

*Инсон қадри улуғ, инсон хотираси - муқаддас*

Ҳолбуки, ҳозир ҳам биз файзли хонадонимизда, болаларимизни бағримизга олиб телевизордан ёқимли қўшиқ эшитиб, нонушта қилаётган пайтимизда дунёнинг қай бурчагида портлашлар юз бериб, одамлар ўққа тутилиб, оналар зор қақшайди.

Ҳа, урушлардан ҳамиша дунёнинг юраги яра, инсониятнинг қалбида жароҳат. Тарихчиларнинг эътироф этишларича, инсониятнинг сўнгги беш минг йиллик ҳаёти давомида 14 мингдан ортиқ уруш қайд этилган. Бу урушларнинг аксарияти ер ва мансаб, бойлик ва мартаба талашишдан келиб чиққан. Бундай машъум урушларда қанчадан-қанча кишининг умри бевақт хазон бўлган. Икки калима сўз билан ифодаланаётган бу рақам ортида армонга айланган орзу-умидлар, хазон бўлган умрлар ётади. Биргина иккинчи жаҳон урушини олиб кўрайлик. Унда 60 дан ортиқ давлатлар бевосита ва билвосита иштирок этган. Бу фожеага 110 миллиондан ортиқроқ киши сафарбар этилган. 50 миллиондан зиёд аскар жанг майдонидан қайтмаган. Бу рўйхатга бедарак кетганлар кирмайди. Фронт ортида уруш жабрини тортганларнинг эса сон-саноғи йўқ. Маънавий йўқотишлардан ташқари иккинчи жаҳон урушида моддий талафотлар 4000 миллиард долларни, соф ҳарбий харажатлар эса 1117 миллиард долларни ташкил этган. Ҳали бу рақамларга вайрон бўлган шаҳар-қишлоқлар, завод-фабрикалар кирмайди. Шу боис бу урушни дунё аҳли инсоният, тараққиёт ва эзгуликка отилган тавқи-лаънат сифатида қоралайди.

(Давоми 3-бетда)

***Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этишга қаратилган аниқ ва изчил чораларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида айтилганидек, Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шартидир.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИДА

«Ўзбекистон журналистикаси. Муаммолар ва истиқболлар» мавзуида 14 апрел куни Сенатда бўлиб ўтган конференцияда давлатимиз раҳбарининг ана шу дастурий нутқидан келиб чиқадиган вазифалар, хусусан, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий таъминоти борасидаги вазифалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда ташкил этган конференцияда оммавий ахборот воситалари фаолият олиб бориши учун барча ҳуқуқий шарт-шароит яратилганлиги таъкидлаб ўтилди. Амалдаги қонунлар мамлакатимизда ва унинг сарҳадларидан ташқарида содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва ҳаққоний ахборотларнигина эмас, балки ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ҳаётимиздаги долзарб муаммолар хусусидаги ошкора, профессионал таҳлилий материаллар ва баҳоларни ҳам кенг жамоатчиликка етказиш учун катта имконият беради.

(Давоми 2-бетда)

## ЛИЗИНГ - ФЕРМЕР КЎМАКДОШИ

Мамлакатимизда фермерлар сони кўпайгани сари техникага талаб ҳам ортиб бормоқда. «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акционерлик компаниясининг Навоий филиали бу борада фермерларнинг ишончли кўмакдошига айланган. Ўтган йили вилоятдаги қишлоқ хўжалик корхоналарига турли русумдаги юзта техника олиб берилди. Уларнинг асосий қисми тракторлардир.

Филиал жамоаси жорий йилнинг биринчи чорагида талабгорларга қирқдан ортиқ техника етказиб берди. Йил охиригача юздан зиёд фермер ва тадбиркорнинг техникага бўлган эҳтиёжини қондириш ва уларга икки миллиард сўмлик хизмат кўрсатиш режалаштирилган.

*«Ишонч» бонг уради*

***Республикамиз раҳбарияти келажагимиз эгалари бўлмиш ўғил-қизларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш учун беқиёс меҳрибонлик кўрсатиб келмоқда. Хусусан, улар пухта билим олиб яхши мутахассис, ўзлари севган касб эгаси бўлиши учун кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида қуриб битказилган кўплаб академик-лицей, касб-ҳунар коллежлари ана шу фикрнинг исботидир. Хўш, катта куч, маблағ сарфлаб бунёд этилган ана шу илм масканларидан эндиликда қандай фойдаланилмоқда. Ким директор, ким ўқитувчи, шароит, ўтилаётган дарслар кўнгилдагидекми? Шу саволга жавоб излаб, Сирдарё вилоятида бўлдик.***

## УСТИ ЯЛТИРОҚ, ИЧИ ҚАЛТИРОҚ КОЛЛЕЖ

Вилоятда 30 та касб-ҳунар коллежи барпо этилиб, уларга 17.407 нафар ёшлар жалб этилган. Бахтли авлод таҳсил олишини давр талаби даражасида ташкил этиш учун Жанубий Корея Республикаси, Япония ҳамда Осиё Тараққиёт банкининг лойиҳаларини кредитлаш асосида ўқув лабораториялари, устахона жиҳозлари ҳамда техникалар олиб келинган. Мирзачўл фарзандлари бугун дунё билан тиллашаётгани нақадар қувончли. Бироқ, ҳамма касб-ҳунар коллежларида ҳам аҳвол бирдек қувонарли эмас. Айрим мутасаддиларнинг ўз ўрнини топа билмаганлиги, лоқайдлиги, масъулиятсизлиги туфайли таълим-тарбияда бўшлиқ пайдо бўлмоқда. Мана бу мисол фикримиз далили бўла олади.

Сайхунободда саноат касб-ҳунар коллежи очилиши хусусидаги хуш-хабар барчани хушнуд этганди. Айниқса, билимга ташна қишлоқ ёшлари янги даргоҳдан кўп нарса кутишганди. Бироқ коллеж қурилиши анчайин чўзилди. Ҳечдан кўра кеч яхши, деганларидек, ниҳоят кутилган кун келди. Янги ўқув масканни ўз соҳибларини бағрига олди. Аммо талабаларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Сабаби, қурувчи амакилар усти ялтироқ, ичи қалтироқ кошонани эсдалик қилиб қолдириб кетишган экан. Машмашанинг каттаси қишли-қировли кунларда бошланди. Хувуллаган хоналар музлаган, электр чироқлари узиб қўйилганди. Энергия таъминотчилари катта қарздорлик мавжудлигини рўкач қилишди. Масалага ойдинлик киритилганда қурувчилар коллеж жамоасини бу борада ҳам чув тушуриб кетганлиги аён бўлди. Бунёдкорлик, пардоз ишларини бажариш жараёнида 1 миллион 600 минг сўмлик электр энергияси сарфлаб, шу қарздорликни коллеж бўйнига илиб қўйишибди...

50 ўринли талабалар ётоқхонаси билан танишдик. Хоналар айқаш-уйқаш, бефайз. Дераза токчаларию, кроватлар остида қўлбола электр иситгичлар, сув қайнатиш асбоблари. Бу ерда истиқомат қилаётган 107-гуруҳ талабаси Ҳамза Мамараҳимовни суҳбатга тортамиз.

- Уйимиз бу ердан анча олис, Гулистон деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасидан келганман, - дейди у. - Кўриб турганингиздек шароит анча ташвишли. Хоналар иситилмайди, боз устига газлаштирилмаган. Ичимлик суви, ювиниш хоналари йўқ. Шу боис ўзимиз билганча амал-тақал қилаяпмиз.

- Дарсдан бўш пайтларингиз қандай ўтади?

- Телевизор томоша қиламиз. Очиғи, шу пайтгача спорт зали йўқлиги талабаларни ҳақли равишда ранжитяпти. Бу ишга энди қўл урилди. У тезроқ ишга тушса бирорта тўгаракка қатнашардик.

Ётоқхонани 20 нафарга яқин талаба тарк этибди. Улар қийналиб бўлса-да, олис масофадан қатнашмоқда. 30 нафарга яқин ёшлар бунинг иложини қилолмай шароитга кўникишга мажбур бўлишган.

Касб-ҳунар коллежида беш йўналиш бўйича машғулотлар олиб борилади. Автомобил транспорти ҳаракатини бошқариш ва юк ташишни ташкил этувчи менежерлар таълими жараёни билан қизиқдик. Бу йил 60 нафар ёшлар шу йўналишда битирувчилар ҳисобланишади. Бироқ эътироф этишларича, улар парвозга тайёр эмас. Эртага ким бўламан, деган савол ҳамон кўндаланг турибди. Савол-жавобдан сўнг ҳаммасига ойдинлик киритилди.

- Техника ихлосмандиман, шу соҳада ўқиш орзуим эди, - дея таъкидлади талабалардан бири. - Ҳужжат топширганимизда ҳайдовчилик гувоҳномасини оласизлар, техника сирларини пухта эгаллайсизлар, дея ишонтиришганди. Афсуски, бундай бўлмади. Сабаби техника, уни бошқариш ҳақида назарий билимга, тасаввурга эгамизу, амалиётдан дарак йўқ. Бир ой бўлди "Тико" автомашинаси макети келтирилганига. Бу билан иш битармиди.

Ўқитувчиларнинг таъкидлашларича, таълим олаётган 60 нафар талабага ҳайдовчилик гувоҳномаси беришнинг имкони йўқ. Негаки, бу борада уларга етарлича билим берилмаган, шароит яратилмаган.

Тикувчилик йўналишида ҳам 60 нафар битирувчи бор. Улар соҳа сирларини "ип-игна"да ўрганишган, холос. Коллежда лоақал тикув машинаси йўқ. Радио-телевизор устаси йўналишидаги талабалар ҳам амал-тақал қилиб ўқитиляпти. Соҳа мураббийси Ш. Сатторов чала мулла шогирд тайёрлашни ўзига эп кўрмай уйидаги телевизор, радиосини коллежга келтирибди... Бу ерда нималар бўляпти, илм даргоҳининг эгаси борми, деган савол ўз-ўзидан кўндаланг бўлади.

Биз коллежда бўлган куни директор вазифасини бажарувчи Қ. Исмоилов қаергадир кетган экан. Ўқув ишлари бўйича ўринбосар эса коллеж фаолияти билан таништиришдек масъулиятли вазифани зиммамга ололмайман, дея ўзини олиб қочди. Барчанинг фикри бир, илм маскани тажрибали, ўз соҳасини яхши биладиган, айни пайтда фидойи раҳбарга ёлчимаяпти. Биринчи директордан кейин Акбар Болтабоев мансаб курсисига ўтирди. Қизиғи шундаки, Болтабоев Сайхунобод туман халқ таълими бўлими услубчиси вазифасида ишлаган чоғлари етуклик шаҳодатномаларини сохталаштирганликда айбланиб, тегишли жазога тортилганди. Амнистия туфайли авф этилди. Суянчиқлар бор бўлсин, уни яна кам қилишмади. Бундай кимсани касб-ҳунар коллежига раҳбар этиб тайинлаганлар катта хатога йўл қўйганликларини эндиликда тушуниб, афсус қилишмоқда. Сўнгги пушаймондан эса фойда йўқ. Бу йил битирувчиларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси ололмасдан аро йўлда қолишига шу раҳбар ҳам "катта" ҳисса қўшди. Чунки, коллежга яп-янги "Матиз" автомашинаси ажратилганди. Мақсад, талабалар унинг ёрдамида амалий машғулотларни ўтказишсин, техникани бошқаришни, уни таъмирлашни пухта ўзлаштиришсин. Айтишга тил бормайди, барча кўз тикиб турган "Матиз" ижарага бериб юборилди.

Таҳлил шуни кўрсатдики, коллежда имкониятлардан унумли фойдаланиб, пухта тартиб ўрнатадиган куюнчак, ташаббускор, қатъиятли раҳбар йўқ. Сафаримиз поёнида Бахт шаҳрида бўлдик. Темирйўл бўйидаги бекатда мижоз чорлаётган киракаш автомашиналар ўрин олган. Улар орасида коллежга тегишли 12 АС 789 давлат рақамли "Матиз" автомобили ҳам бор эди. Ажабо, коллеж талабалари бу техникани зориқиб кутишсаю мутасаддилар қассобга ёғ, эчкига жон қайғуси қабилида иш юритишса. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларини келтириш айни муддао: **"Биз катта-катта минбарлардан туриб, таълим ислоҳоти ҳақида кўп гапирамиз, жойларда эса афсуски, аҳвол бошқача. Мисол учун бир туманда ажратилган маблағнинг 30 фоизи қўшиб ёзиш билан ўзлаштирилиб юборилган, қурилган коллежнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ. Мактабларнинг аҳволи бундан қолишмайди. Шу тарика бир тўда каллоб бу борадаги давлат сиёсатини чиппакка чиқаряпти".**

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***САВОЛ: Байналмилал жангчилар II-жаҳон уруши қатнашчиларига тенглаштириладими? Имтиёзлар бўйича бизга ҳам бензин пули бериладими? Шунингдек, байналмилалчи жангчилар оламдан ўтганидан сўнг унинг пенсияси турмуш ўртоғига бериладими?***

**Р.САТТОРОВ,**
**Чироқчи тумани**

# УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА НОГИРОНЛАРГА ИМТИЁЗДА ФАРҚ БОР

## Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарори билан тасдиқланган уруш қатнашчиларига тенглаштириладиган шахслар қуйидагилар ҳисобланадилар:

а) 1941 йил 22 июнидан 1954 йилнинг 31 декабригача бўлган даврда қирувчи батальонлар, взводлар ва халқни ҳимоя қилувчи отрядлар таркибида собиқ СССР ҳудудида жанговор ҳаракатларда иштирок этган шахслар;

б) II-жаҳон уруши ва гражданлар уруши даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларида ёки яширин ишларда бўлган шахслар;

в) II-жаҳон уруши йилларида ҳаракатдаги армия таркибида ёки ҳарбий ҳаракатлар кетаётган жойларда хизматни ўтаган собиқ СССРнинг Ички ишлар вазирлиги органлари ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси органларининг ҳамда оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар;

г) II-жаҳон уруши даврида ҳаракатдаги армия ва флотлар таркибидаги қисмлар ҳамда бўлинмаларда балоғат ёшига етгунга қадар полк ўғиллари ва юнгалар сифатида юрган шахслар;

д) фронт яқинидаги темир йўлларда мудофаа чизиғи иншоотлари қурилишида ҳарбий-денгиз базалари, аэродромлар ҳамда II-жаҳон уруши даврида ҳарбий ҳаракатлар кетаётган жойлардаги бошқа ҳарбий объектлар қурилишида иштирок этган ходимлар;

е) ҳаракатдаги армия таркибида ишлаган ёлланма ходимлар таркибидан бўлган шахслар;

ж) II-жаҳон уруши даврида фашист концлагерларида бўлган (тутқинлар, шу жумладан болалар) шахслар;

з) Ленинград шаҳрининг қамал даврида шаҳарнинг корхона, муассаса ва ташкилотларида меҳнат қилган ва "Ленинград мудофааси учун" медали ҳамда "Қамалдаги Ленинград фуқаросига" нишони билан тақдирланган шахслар;

и) 1956 йилнинг 24 октябридан 1956 йилнинг 10-ноябригача бўлган даврда Венгрия ҳудудидаги жанговар ҳаракатлар пайтида ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар;

к) ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда ўз байналмилал бурчларини адо этган, тинчлик ўрнатувчи кучлар таркибида иштирок этган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар ва миллий хавфсизлиги хизмати органларининг бошлиқлари ва оддий ходимлар таркибида бўлган шахслар.

Сиз хатингизда байналмилалчи жангчи дегансиз, жангчи билан байналмилалчи ногиронларга бериладиган имтиёзлар ўртасида фарқ бўлиб, байналмилал ногиронлар автомашинасига бензин учун товон пули олиш ҳуқуқига эгадилар.

Олаётган нафақангиз тўғрисида ҳам аниқ маълумот бермагансиз. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам байналмилалчиларнинг вафотидан кейин, турмуш ўртоғингизга боқувчисини йўқотганлик пенсияси умумий асосларда тайинланади.

# ИШ ВАҚТИНИНГ МУДДАТИ

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

***САВОЛ: Тиббиёт ходимлари учун қонунларда белгиланган иш вақти, умуман иш вақтининг муддати тўғрисида тушунтириш берсангиз.***

***Тиббиёт ходимини ёки бошқа ходимни бир иш куни давомида 12 соатдан ортиқ ишга (навбатчиликка) жалб қилиш мумкинми?***

**М.СУЛТОНОВА,**
**Ғузор тумани**

**ЖАВОБ**: Меҳнат қонунчилигида иш вақти режими дейилганда ходимлар учун белгиланган иш вақти муддатининг муайян календар даври, яъни сутка, ҳафта, ой ва йил доирасидаги тақсимоти тушунилади. Муассасаларда иш вақтининг режими касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланган Ички меҳнат тартиби қоидалари ва иш сменаси жадваллари билан тартибга солинади. Шу сабабли муассасанинг ҳар бир ходими бу ҳужжатлар билан имзо чектириб таништирилган бўлиши шарт.

Чунки ходим ишга бу ҳужжатларда белгиланган муддатдан кечикиб келса, иш берувчи томонидан ходимга нисбатан бирон-бир интизомий жазо чораси қўллашга ҳеч қандай асос бўлмайди.

Меҳнат кодексининг 115-моддасига мувофиқ ходим учун иш вақтининг нормал муддати, иш ҳафтасининг беш кунлик ёки олти кунлик бўлишидан қатъий назар, ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Бунга муассасанинг маъмурий-хўжалик ходимлари (бош ҳисобчи, ҳисобчи, иқтисодчи, ходимлар ишини олиб борувчи мутахассис, боғбон ва бошқалар) киради. Уларнинг иш соатлари ҳар куни ҳисобга олиб борилади.

Агар иш вақтини жамлаб ҳисобга оладиган, яъни сменали ишлар бўладиган бўлса, ҳисобга олинадиган давр (ой, йилнинг чораги, йил)даги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмаслиги зарур. Бу ўринда ҳар календар йилнинг бошида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган "Иш вақти ҳисоби"дан фойдаланмоқ зарур. Бу ҳисоботда ҳар ойда иш соати қанча соатни ташкил қилиши кераклиги аниқ қилиб кўрсатилган.

Масалан, 2005 йил январ ойида беш кунлик ва қирқ соатлик иш ҳафтасида ишлайдиганларнинг умумий иши 159 соатни, 6 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиганларнинг умумий иши 159 соатни ташкил қилади.

Сиз тиббиёт ходими бўлганлигингиз сабабли тиббиёт ходимлари учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган иш вақти тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Тиббиёт ходими дейилганда тиббиёт ўрта махсус билим юртини ёки Олий ўқув юртини тамомлаган ҳамда ўз мутахассислиги бўйича меҳнат қилаётган шахс тиббиёт ходими деб тушунилади.

Тиббиёт ходимларининг иш режими бўйича амалдаги қонунчиликда имтиёзлар белгиланган, яъни уларга қисқартирилган иш вақти жорий қилинган. Бу қисқартирилган иш вақти фақат Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасаларда ишлаётганларга тегишли бўлмай, балки бошқа вазирликлар, бошқармалар ва идораларда (темир йўл, авиация, курортлар бошқармаси, хусусий поликлиника ва бошқалар), яъни мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ишлаётган тиббиёт ходимларига ҳам тегишлидир. Бу Меҳнат кодексининг 118-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 1998 йил 12 мартдаги қарори билан қонунлаштирилган бўлиб, тиббиёт ходимларига ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланган.

Конституциявий суднинг бу қарори Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1998 йил 24 мартдаги №131-сон буйруғи билан эълон қилинган. Тиббиёт ходимлари орасида ҳафтасига 36 соатдан ҳам кам ишлайдиганлар бор. Масалан, бундай лавозимлар рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорининг 8-иловасида кўрсатилган. Меҳнат кодексининг 116-моддасига мувофиқ юқорида кўрсатиб ўтилган ходимларга иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланган бўлса-да, уларга меҳнатга тўланадиган ҳақ тўлиқ тўланади.

Вилоятларда хизмат сафарида бўлинганда иш берувчилар, касаба уюшма қўмиталари аъзолари ва раислари ходимлар бир иш сменасида (навбатчилик қилганда) 24 соатдан ишлаши мумкинми деган савол беришади. Бу саволга Меҳнат кодексининг 123-моддаси талабларини далил қилиб кўрсатиш мумкин. Бу моддага асосан ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмайдиган шарт билан муассасада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилиниши мумкин. Бунда кундалик иш вақтининг (сменанинг, навбатчиликнинг) муддати эса ўн икки соатдан ошиб кетмаслиги зарур.

Шундай экан ходимларнинг кундалик иш вақтининг (навбатчилик) муддатини жадвалда 24 соат қилиб тасдиқлаш ва уларни бир сменада 24 соатдан ишга жалб қилиш ноқонуний ҳисобланади ва қонуннинг бу талабини ўзгартириш ҳуқуқи иш берувчига, касаба уюшма қўмитасига ёки бошқа органга берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат кодексини, жумладан "Иш вақти" ва "Дам олиш вақти" бобларини қабул қилишда ходимларнинг доимо соғ-саломат бўлишлиги, касалликларга чалинмаслигини ҳисобга олинган.

Иш вақти муддатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига берилган.

Иш вақти жадвали касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланиши керак. Шу сабабли касаба уюшма қўмитаси ходимлар учун тузилган иш вақти жадвалини кўриб чиқиш вақтида у қонун талабларига тўлиқ амал қилинганлигига аҳамият бериши зарур.

# НОТЎҒРИ УШЛАБ ҚОЛИНГАН МАБЛАҒЛАРНИ УНДИРИБ ОЛИШ МУМКИНМИ?

## Саволларингизга ҳуқуқшунос Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

***САВОЛ: солиқ тўловчилар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун улар жавобгарликдан озод қилиниши мумкинми?***

**Б. ХОЛМАТОВ,**
**Нурота тумани**

**ЖАВОБ:** Солиқ Кодексининг 133-моддасига мувофиқ, агар солиқ тўловчи субъектлар (фуқаролар, тадбиркорлар, юридик шахслар ва ҳоказолар) давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан текширув ўтказилган (аниқланган) кунгача бўлган муддатда, ўзлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўзлари мустақил равишда бартараф қилсалар, у ҳолда белгиланган жавобгарликдан озод этилади.

Шунингдек, солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ ва мажбурий йиғимларнинг бирон тури бўйича ортиқча тўланган қисми бошқа тўланмаган солиқ ёки йиғимнинг тўланмаган боқиманда ўрнини қоплаган тақдирда ҳам жавобгарликдан озод қилинади.

***САВОЛ: Давлат органлари, масалан солиқ ёки божхона ходимлари томонидан нотўғри ундирилган маблағлар ва шу сабабли тадбиркор ёки фуқарога етказилган зарар қайтариб олиниши (қопланиши) мумкинми?***

**О.АЗИМОВ,**
**Тошкент шаҳри**

**ЖАВОБ**: Қонунга мувофиқ, масалан, Фуқаролик Кодексининг 14- ва 15-моддаларида бирон бир тарзда ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган ҳар қандай зарарни ҳар қандай зарар етказувчидан, ким бўлишидан қатъий назар тўла қопланишини талаб қилишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Жумладан Фуқаролик Кодексининг 15-моддасига биноан, давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида давлат бюджетига ўтказилган маблағлар ёки фуқарога (юридик шахсга) етказилган мулкий зарар айбдор бўлган мансабдор шахс ёки давлат органи томонидан қайтариб берилиши (қопланиши) лозим.

Мазкур Кодекс талабига асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик судининг Раёсати 2002 йил 28-ноябр куни Бюджетдан маблағларни ундириш (қайтариш)нинг айрим масалалари тўғрисида ахборот хатини тасдиқлаган ва ушбу тушунтириш ижро учун амалиётда қўлланилмоқда.

# «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ





## Инсон қадри улуғ, инсон хотираси-муқаддас

(Боши 1-бетда)

Мислсиз қурбонлар эвазига қўлга киритилган ғалаба шу боис жаҳон тарихига олтин ҳарфлар билан битилган муборак сана сифатида эътироф этилди. Бугун Ер куррасидаги тараққийпарвар халқлар фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллигини нишонлаш тараддудида.

Матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Президентининг "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941 - 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонини ўқиб хаёлимдан юқоридаги фикрлар ўтди. XX аср вабоси номини олган бу уруш алангасида Ватан, халқ учун мардона курашган табаррук инсонларга қанча ғамхўрлик қилсак, фидойиликларини қанча олқишласак шунча оз.

Урушнинг аччиқ изтироблари, дарду аламларини жисми жонида, руҳида кўтариб юрган тоғдек бардошли бу инсонлар сафи озайиб бораётганини гоҳ сезиб, гоҳ сезмай қолаётирмиз. Фахрийлар бизнинг суянган тоғларимиздир. Президентимиз ташаббуси билан уларга алоҳида ғамхўрлик ва меҳр кўрсатилмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 433 минг 230 нафар одам иштирок этган. Шундан 338 нафар баҳодир ўғлонлар Қаҳрамонлик унвонига, 53 нафар жангчи эса учала даражадаги "Шуҳрат" ордени билан тақдирланган. Уларнинг жасорати ва шоншавкати халқимиз хотирасида мангу яшайди.

Уруш ўз номи билан йўқотиш, айрилиқ, қон тўкмоқ ва жон олмоқдир. Минг афсуски, 450 минг нафардан ортиқ ватандошимиз Ер юзини фашизм офатидан халос этишда қаҳрамонлик кўрсатиб, жанг майдонида ҳалок бўлдилар, 604 минг 52 нафар юртдошимиз эса урушдан ногирон бўлиб қайтди.

Тоғлардан узоқлашганинг сайин, унинг қудрати, салобатини тўлароқ ҳис қиласан киши. Қаҳрамонларимизнинг жасоратию мардлиги, фидойилигини, қолаверса иккинчи жаҳон уруши ва унинг фожеалари, элдошларимиз бошига солган мусибатларини янада чуқурроқ англаб етдик. Тарихда мислсиз қурбонлари ва вайроналари билан "Энг даҳшатли уруш" номини олган бу фожеанинг сабаб ва оқибатларига адолат ва ҳақиқат назари билан боқиб, холис баҳо бердик. Президентимизнинг: "Биз ғалабага шонли ҳисса қўшиб, инсониятни фашизм балосидан халос этиш йўлида жонини қурбон қилган ота-боболаримизнинг муқаддас хотиралари олдида бош эгиб таъзим қиламиз" деган даъвати машъум урушда қурбон бўлган ватандошларимиз хотирасини ёд этиш ва эъзозлаш, жангу жадалларни бошдан кечирган, ғалабага муносиб ҳисса қўшган нуронийларимизни қадрлаш, ҳурматини жойига қўйишда асосий омил бўлди. 9 май мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши бу борадаги эзгу ишларга кенг йўл очди.

Хотира майдонида барпо этилган "Мотамсаро она" сиймоси эса Ватан тимсоли бўлиб қалб тўридан жой олди. У гўё шаҳид кетган фидойи фарзандини "Сен ҳамиша қалбимдасан, жигаргўшам" дея бағрига босиб, ардоқлаб тургандек.

Фарзанди йўлига кўз тутган бу мардона она сиймосига боққан ҳар бир кишининг хаёлида бир лаҳза уруш фожеалари бўй кўрсатиши табиий ҳолдир. Зеро, ҳар бир инсон, ҳар бир халқ, миллат ўзининг тарихий хотираси билан барҳаёт. Айниқса, эл-юрт учун жон берган аждодлар хотирасини ёд олмоқ, қадрламоқ, уларга муносиб ворис бўлмоқ ҳар биримиз учун фарз ва қарз бўлган инсоний фазилатлардир. Шу мақсадда 34 жилддан иборат "Хотира китоби" нашр этилди. Унда урушга сафарбар этилган ватандошларимиз ҳақида аниқ маълумотлар жамланган. Ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан "Хотира китоби"нинг қўшимча жилди нашр этилади. Унда ўз вақтида аниқлаш имкони бўлмаган 15 минг 520 нафар ватандошимиз ҳақида маълумот берилади.

# МУНАВВАР ТОНГЛАР ШУКУҲИ

Ҳеч шубҳасиз, жанггоҳларда мардлик ва жасорат кўрсатиб, ғалабага эришган, Ватан озодлиги, эл тинчлиги, осуда ҳаёт ва мусаффо осмонимиз учун ўз жонини аямаган аждодларимиз хотираси бизни огоҳликка ундаб, мустақилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга даъват этиб туради.

Айни кунда мамлакатимизда 33 минг 721 нафар уруш қатнашчиси, 16 минг 204 та ҳалок бўлган жангчи оиласи, 286 минг 274 нафар фронт ортида меҳнат қилган юртдошларимиз яшамоқда.

Уруш қатнашчилари ва фронт ортида фидойилик кўрсатган ватандошларимиздан 111 минг 959 нафари "Жасорат", 171 минг 856 нафари "Шуҳрат" медаллари билан тақдирланиши уларга кўрсатилаётган алоҳида эътибор намунасидир. Шу билан бирга ёшларни она Ватан, аждодлар меросига муҳаббат, миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашдаги олижаноб ишлари учун кўплаб фахрийларимиз ҳукуматимизнинг орден ва медалларига сазовор бўлдилар. Айниқса, уруш қурбонлари оилаларига кўрсатилаётган ёрдам эзгулик қуёши мисол қалбларни мунаввар этмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши нафақат уруш бўлган ҳудудларда, балки бутун инсоният учун улкан фожеа, катта жудолик, унутилмас ҳодиса бўлди. Донишманд зот айтганидек, бу уруш инсонларни ўлимга маҳкум этди, очлик-яланғочликка мубтало қилди, десак, у келтирган балою кулфатлар сонини камайтирган бўламиз. Бу уруш айнан ўша жамиятда яшаётган инсонлар маънавиятига ҳам тажовуз қилди, неча асрлардан буён шаклланиб келаётган эзгу қадриятлар, урф-одатларни топтаб ташлади.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Буюк ғалабани буюк жасоратли инсонлар таъминлаган. Биз эса ана шундай фидойи юртдошларимизни ҳамиша улуғлаб, ўтганларнинг хотираси олдида ҳурмат билан бош эгамиз.

**А.ҚОДИРОВА,**
**"Ишонч" мухбири**

# СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

***Ёш авлодни ҳуқуқий демократик жамият қуришнинг фаол иштирокчиси, даврнинг етук инсонлари сифатида тарбиялашда турли соҳаларда ўтказиб келинаётган интеллектуал танловларнинг алоҳида ўрни бор.***

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейда «Сиз қонунни биласизми?» танловининг Қорақалпоғистон босқичи якунланди. Унда беш жамоа иштирок этди.

Танлов иштирокчилари мустақил мамлакатимизнинг Конституцияси, Президент фармонлари ва уларнинг ижтимоий ҳаётимизда тутган ўрни, юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳияти хусусидаги билимларини намойиш этди.

Нукус шаҳридаги 22-ўрта мактабнинг «Ҳақиқат» жамоаси аъзолари ғолиб деб топилди. Улар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

**(ЎзА)**

***САВОЛ: Қонунчиликда қисқартирилган иш вақти қайси ходимларга қўлланилиши назарда тутилган?***

**А.ЛАТИПОВ,**
**Пахтачи тумани**

# ЛЎНДА ТУШУНЧА БЕРСАНГИЗ

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 115-моддасига асосан ҳар бир ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соат қилиб белгиланган.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ошиқ бўлмаслиги керак.

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи ҳолати, меҳнат шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномаси ва жамоа шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати қуйидагиларга қонун билан белгиланган:

– ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан;

- ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлганлар учун ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган;

– I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган;

– меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимлар учун ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланиши шарт.

1999 йил 14 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасаларда ишлаётган аёлларга иш ҳақи тўлиқ миқдорда сақланган ҳолда ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган иш вақти белгиланади. Бу қонун молиявий жиҳатдан бюджет ҳисобидан таъминланадиган барча муассасаларга тегишлидир, шу жумладан, тиббиёт муассасаларига ҳам.

Меҳнат Кодексининг 118-моддасида юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим ходимлар учун (тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг муддати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган. Лекин тиббиёт ходимларига ҳафтасига ўттиз олти соатлик иш вақти ўрнатишда кўп мунозараларга дуч келинди. Шу сабабли Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бу саволга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилди. Конституциявий суд бу масалани кўриб чиқиб, 1998 йилнинг 12 мартида тиббиёт ходимлари учун иш вақти ҳафтасига 36 соатдан ошмаслиги тўғрисида қарор қабул қилди.

Барча тиббиёт ходимларига тўлиқ иш ҳақи сақланган ҳолда ҳафтасига 36 соатлик иш вақти белгиланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1998 йил 24 мартидаги 131-сон буйруғи чиқарилган.

Жойлардаги текширишлар шуни кўрсатадики, муассасаларда қонунларда белгиланган қисқартирилган иш вақти ходимларга ўрнатилмаган.

Шунинг учун юқорида кўрсатиб ўтилган ходимларга буйруқ билан қисқартирилган иш вақти ўрнатилиши ва бу буйруқ билан ана ўша ходимнинг ўзи, бўлим бошлиқлари, иш вақти табелини олиб борувчи ходим, ҳисобчи албатта имзо чектириб таништирилган бўлиши керак.



# НОХУШ ҲОДИСАЛАР ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш ҳамда йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шу йилнинг 1 апрелидан 1 майига қадар республикамиз ҳудудида "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" тадбири ўтказилмоқда.

Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармасига қарашли йўл ҳаракати ва хавфсизлиги бошқармаси офицер ва сержантлари мазкур тадбирни самарали олиб бормоқда. Ҳусусан, ўтган давр мобайнида тиним билмас ЙХХ ходимлари вилоятдаги 1472 та транспорт воситалари мавжуд ширкат, ўқув муассасалари ҳамда корхоналарда бўлиб, учрашув ҳамда суҳбатлар ўтказдилар.

**Суратда: Юқори нуқта йўл патруль хизмати постида майор Шамсиддин Солиев нозирларга топшириқ бермоқда.**

**Т. НОРҚУЛОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

Бугуннинг мавзуси

***Жаҳоннинг энг нуфузли ва машҳур экспертлари йигирма биринчи асрни ахборот технологиялари асри деб башорат қилмоқдалар. ЮНЕСКОнинг Сеул шаҳрида бўлиб ўтган Иккинчи Халқаро Конгрессида сўзга чиққан нотиқлар глобаллашув, рақобатнинг ўсиб бориши, мамлакатлар чегараларининг аста-секин йўқолиб бориши, капитал ва ишчи кучининг юқори мобиллашуви, Интернет тармоғининг кенгайиши ва либераллизациялаш, асосан ахборот ва телекоммуникация воситасида кенг тарқалиши, одамлар ўртача ёшининг узайиши каби муҳим масалаларга алоҳида тўхталиб ўтдилар.***

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСРИ

## биздан шунга яраша ёндошувни талаб қилади

Ҳақиқатан ҳам технологиялар энг юқори даражаларга чиққан бугунги кунда қайси бир давлат сиёсатида амалда ахборот технологияларига кенг аҳамият берилаётган бўлса, билингки, ўша жойда информацион жамият қурилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонига асосан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ахборот тизими ва компьютер технологиялари йўналишларида истиқболли режа асосида дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини, мултимедия, компьютер техникасини ишлаб чиқиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича юқори малакали мутахассислар ва техник ходимлар, шунингдек, компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланувчиларни тайёрлашнинг 2002 - 2010 йилларга мўлжалланган режа дастури тайёрланди. Ўқувчиларни компьютер ва ахборот технологиялари билан кенг кўламда ўқитишни таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Замонавий ахборот технологиялари жамият ҳаётининг кўп соҳаларига кириб келмоқда. Эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда маълумотларни йиғиш, уларни қайта ишлаш, керакли жойларга узатиш каби операциялар турли хил компьютер дастурлари орқали амалга оширилмоқда.

Таълим жараёнини ташкил қилиш учун стандарт талабларга жавоб берадиган бино, замонавий жиҳозлар, малакали мутахассислар ҳамда ўқув дидактик таъминот зарур. Ўз навбатида таълим жараёнида фойдаланиш учун ўқув адабиётларининг янги авлоди - электрон мультимедияли китоблар, маълумот омборлари, тармоқ тизимида ишлайдиган ўқув дидактик материаллар яратилмоқда. Мазкур қўлланмаларнинг таълим жараёнига кириб келиши билан масофавий таълим, виртуал таълим тизимлари ҳам дунё юзини кўра бошлади.

Бошқарув жараёнини автоматлаштириш долзарблиги шундан иборатки, у иш юритиш, ҳисоб-таҳлил ишлар аниқлигини оширади, маълумотларни қайта ишлашда янги технологияга ўтиш заруриятини туғдиради. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг бойлиги унинг табиий бойликлари захираси билан ўлчанмайди. Энг аввало, ишлаб чиқаришнинг оптимал ташкил қилиниши эвазига келадиган миллий даромадга боғлиқ. Бугунги кунда ишлаб чиқариш соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш ўз таъсирини кўрсата бошлади. Лойиҳалаштиришда, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда, кадрлар ёки молиявий ресурсларни аниқлашда, технологик жараёнларни бошқаришда автоматлаштирилган тизимлар пайдо бўла бошлади. Ўз-ўзидан кўринадики, йигирма биринчи аср таълимининг олдида ҳам жуда кўп муаммолар пайдо бўлмоқда. Лекин унинг ечимини топиш инсон қўлида. Мавжуд таълим стандартлари ва ўқув режа дастурларни такомиллаштиришда фаннинг энг сўнгги ютуқлари, айниқса, ишлаб чиқаришда қўлланилаётган замонавий технологиялар тўғрисидаги маълумотлар акс этиши шарт. Ўз навбатида яратилаётган адабиётлар ҳам давр талаби асосида ёзилиши керак.

Биз ютуқлар билан чекланиб қолмай изланишда давом этишимиз, эртани ўйлашимиз даркор.

Маълумки, тармоқ тизимида ишлайдиган электрон дарсликлар уларни тузган муаллифлар дунёқараши асосида яратилган. Мазкур дарсликлар таълим олувчиларга индивидуал ёндошув масаласини ҳал эта олмайди, замонавий таълим олувчилар талабини қондиролмайди. Саноатда, ишлаб чиқаришда, таълим, малака ошириш масалаларида кадрлар малакасига бўлган эҳтиёж бундан буён янада ортади. Ўз навбатида мавжуд ахборот омборларидаги салоҳиятни қайта ишлаш, ундан фойдаланиш учун махсус билим, кўникма ва малака талаблари юзага келади. Улардан фойдаланиш учун махсус таълим маршрутлари (траекториялар) зарур. Янги мутахассисликлар пайдо бўлади.

Мисол тариқасида ҳозир саноатга кириб келаётган мехатроника мутахассислигини кўриш мумкин. Мазкур мутахассислик истиқболли йўналишлардан бири бўлиб - интеграллашган механика, электроника, автоматика ва информатика соҳаларини қамраб олади. Соҳанинг асосий йўналиши ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, янги авлод техникаси, сифат жиҳатидан юқорироқ технологиялар, тизимлар ва машиналар мажмуасини яратиш ва уларни интеллектуал жиҳатдан бошқаришдир.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичи (классификатори) таҳлил қилинганда, тизимда мавжуд 319 та тайёрлов йўналишларидаги 159 та ихтисосликларда мехатроникани қўллаш му+мкин. Албатта фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг бундай ўта замонавий соҳасини ривожлантириш учун жаҳон тажрибаларидан фойдаланиш кони фойдадир.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, тизим кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ва Германиянинг Festo Didactic GmbH & Co фирмаси ўртасида уч томонлама ҳамкорлик шартномаси имзолангани айни муддао бўлди. Мазкур фирма Европа таълим бозорида мехатроника (автоматика, пневматика, гидравлика, сенсорика, робототехника) соҳасида ўқув услубий-дидактик материаллар ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ташкилотлардан бири ҳисобланади ва жаҳоннинг 172 та давлати билан ҳамкорлик қилади. Айни шу шартнома асосида, мехатроника республикамиз учун янгилигини ҳисобга олган ҳолда, бу соҳада мутахассисларни тайёрлаш учун зарур бўлган ўқув дидактик маҳсулотлар яратиш ва уларни таълим жараёнида қўллаш борасида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ходимлари томонидан муайян ишлар бошлаб юборилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг сифат босқичини амалга оширишда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида "Ахборот таълим тизими"ни яратиш, электрон мультимедиа дарсликларни таълим жараёнига қўллаш борасида ишлар давом этмоқда. Жорий йилда Германиянинг Техник ҳамкорлик жамияти GTZ билан ҳамкорликда 11 та пилот касб-ҳунар коллежлари базасида, келгусида эса таълим тизими учун хизмат қилувчи ахборот таълим тизими яратиш ишлари бошланади. Мазкур тизим бошланғич биринчи босқичда 11 та пилот коллеж ўртасида шакллантирилади, кейин эса шаклланган ресурслардан эҳтиёжни ўрганилган ҳолда бошқа Интернет фойдаланувчи (uzer)ларига улардан фойдаланиш учун имконият яратилади. Тизим ўз фаолиятини бошлагач, мазкур тизим базасига масофавий таълим, кутубхона ва бошқа зарур файлларни жойлаштириш имконияти юзага келади.

**Абдуваҳоб ИКРОМОВ,**
**профессор**

# МУДОФАА ИШЛАРИ БЎЛИМИДА



Фориш тумани мудофаа ишлари бўлими яқинда янги бинога кўчиб ўтди. Ташландиқ бўлиб ётган қурилиш ташкилоти биноси қайта реконструкция қилиниб, таъмирланди. Бу ишлар учун бюджет маблағи ҳисобидан 38 миллион сўм сарфланди. Тумандаги "Карбонат" акциядорлик жамияти ҳомийлигида жиҳозлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, бу ишда "Фориш" хўжалиги, тадбиркор ва фермерлар кўмаги катта бўлди.

Бўлим қошида барча шароитларга эга чақирув пункти ташкил этилган. Тиббий кўрикдан ўтказиш хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Туман аҳолисининг 2 минг 600 нафари чақирув ёшидаги йигитлар ҳисобланади. Мавжуд 70 та мактабда чақириққача ёшларни тайёрлаш бўйича мутахассислар фаолият кўрсатмоқда.

Айни кунларда баҳорги чақирув ишлари олиб бориляпти. Туманда йигитларни армия сафига кузатиш, хизмат жойларига бориб хабар олиш яхши анъанага айланган. Шунингдек, тумандан етишиб чиққан ҳарбийларнинг мактаб, коллеж ўқувчи-ёшлари билан учрашувлари ўтказилмоқда. Жамолиддин Атабуллаев, Воҳид Сувонов, Максим Кенгашев каби офицерлар туманда тез-тез бўлиб, ўзлари хизмат қилаётган қисм ҳақида ёшларга сўзлаб беришмоқда. Бундай тадбирлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муносиб хизмат қилмоқда.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

**Суратда: туман мудофаа ишлари бўлим бошлиғи, подполковник Баҳриддин Ҳасанов ёшлар даврасида.**

## НЕМИС ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Эрталабки вақт - қўлингдаги бахт.

* * *

Безама нутқ - келтирмас ютуқ

* * *

Кўз – муҳаббат элчиси.

* * *

Йиртиқдан кўра ямоқ яхши.

* * *

Арзон доим қимматга тушади.

* * *

Қудуқнинг қадри-суви қуриганда билинади.

* * *

Ёлғончини кўзи билан сўзи фош этади.

* * *

Эртанинг ўнидан бугуннинг бири яхши.

* * *

Бошга бало келса, умид халоскор.

* * *

Кун қанча узун бўлмасин, ундан сўнг тун келади.

* * *

Кўп ухлаганинг – кам яшаганинг.

**Немис тилидан**
**Рустам КЕНЖАЕВ**
**таржимаси**

## ПАРИЖ ЧОРЛАЙДИ

Пойтахтимизда ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон биринчилиги баҳслари давом этмоқда.

Тўртинчи тур якунига кўра 16 ёшли ўсмирлар ўртасида Андрей Квон, Александр Касян, Соҳиб Жўраев ва Хуршид Мустафоевлар пешқадамлик қилмоқда. Қизлар баҳсида Ирина Геворгян, Нафиса Мўминова ва Нодира Нодиржонова барча рақибларини мағлубиятга учратди.

18 ёшли ўғил болалар ўртасида спорт усталигига номзодлар - Фаррух Каримов, Аминжон Кенжаев ва Сергей Яшин мусобақа жадвалининг юқори поғанасидан жой олди. Қизлардан Сарвиноз Эргашева, Ҳулкар Тоҳиржонова ва Озода Каримова мусобақа етакчисига айланди.

Мутлақ ғолиблар жорий йилнинг июл ойида Францияда ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этади.

## ТАИЛАНДДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Таиландда дуатлон бўйича Осиё чемпионати ҳамда триатлон бўйича қитъа кубоги баҳслари якунланди. Унда ўзбекистонлик спортчилар совринли ўринларни қўлга киритди.

Осиё чемпионатида дуатлон бўйича ёшлар ўртасидаги беллашувларда терма жамоамиз вакили Павел Растригин югуриш ва велопойгада барча рақибларини ортда қолдириб, олтин медалга сазовор бўлди.

Катталар ўртасидаги югуриш ҳамда велопойга баҳсларида ҳамюртимиз Иван Морозов марра чизиғини биринчи бўлиб босиб ўтди. Артём Михеевга эса кумуш медал насиб қилди.

Триатлон бўйича ўтган Осиё кубоги баҳсларида эса ҳамюртларимиз Евгений Алексеев олтин, Иван Морозов кумуш ва Артём Михеев бронза медаль соҳиби бўлди.

**(ЎзА)**

Мутолаа

# «ДАВРОНКИ, ҲУНАР ҒАЙРИ...»

Академик шоир Ғафур Ғулом рубоий ҳақида «. . . олам-олам мазмунларнинг жавҳарини йиғиб, тўрт сатрга сиғдира олиш маҳоратидир. Қатрада - уммон, учқунда - қуёш мазмунини бериш рубоийга хос хусусиятдир», - деб лутф этган эди.

***Даврон ғамидан кўзимни гирён кўрдим***
***Ҳар ранжу бало борки, беармон кўрдим.***
***Нуҳ минггa кириб, кўрган эди бир тўфон,***
***Мен Нуҳ эмасам-да, неча тўфон кўрдим.***

Паҳлавон Маҳмуднинг ушбу рубоийсини ҳам бутун моҳияти, теранлиги билан тушуниш учун шоир яшаган нотинч даврни, унинг ранжу машаққатли ҳаётини яхши билиш, мумтоз адабиёт назариясидан етарли даражада хабардор бўлиш тақозо қилинади.

Мумтоз шеъриятда энг кўп қўлланадиган санъатлардан бири-талмиҳ ҳисобланади. Бу санъатга мурожаат қилмаган шоир Шарқ адабиётида йўқ, деса ҳам бўлади. Талмиҳ арабча сўз бўлиб, ишора қилиш, бирор нарса томонга енгил назар ташлаш маъносини билдиради. Шарқ поэтикасининг билимдонларидан бири Атоуллоҳ Ҳусайний ёзади: «Шоир андоқ қилуркимки, анинг озгина лафзи кўп маънони билдирур».

Маълум бўладики, талмиҳ шеърда оз сўз билан кўп маънони ифодалаш санъати экан. Бунда машҳур қисса, воқеа ёки асарга ишора қилиш орқали айтилажак фикр, ифодаланажак ҳолат, баён этилажак мақсадни чўзмай, сўзни мухтасар қилинади. Бу санъатдан фойдаланиб, шоирларимиз озгина сўз билан баъзан шунақанги катта ва теран нарсаларга ишора қиладиларки, уларни шарҳлаш учун бутун бошли китоб тартиб бериш мумкин.

Паҳлавон Маҳмуд ҳам ушбу рубоийсидан талмиҳ санъати воситасида ўзининг жуда оғир замонда яшаганлиги, қисматнинг бутун ўйинлари, ҳаётнинг барча зарбалари, кўргуликларини образли йўсинда ниҳоятда теран ифодалайди ва гўзал бадиий миниатюра яратади.

Паҳлавон Маҳмуд мўғуллар истилоси натижасида бутун Моварounнаҳр хароб бўлган бир даврда яшаб, ижод этди. Бир томондан, мўғул ҳукмдорлари, иккинчи томондан, маҳаллий амалдорларнинг жабру зулмидан иккиёқлама истибдоддан дили садпора бўлади. Шунинг учун ҳам у зорланиб ёзган эди:

***Даврон ғамидан кўзимни гирён кўрдим,***
***Ҳар ранжу бало борки, беармон кўрдим.***

Агар шеър шу йўсинда давом этса, у бадиий тароватдан маҳрум, шунчаки шикоят мотивларидан иборат бўлиб қоларди. Катта истеъдод эгалари эса ҳамиша образли тилда гапирадилар, фикрларини қават-қават тимсоллар, қатор-қатор ташбеҳлар қатига ўрайдилар. Паҳлавон Маҳмуднинг қуйидаги сатрлари фикрларимизнинг исботидир:

***Нуҳ минггa кириб, кўрган эди бир тўфон,***
***Мен Нуҳ эмасам-да, неча тўфон кўрдим.***

Маълумки, Нуҳ алайҳиссалом ўз қавмлари орасида 950 йил яшаб, уларни Ҳақ йўлига ҳидоят қилади. Лекин Оллоҳ пайғамбарининг даъватига қулоқ тутмаганлари учун улар охир-оқибат буюк тўфон балосига гирифтор бўладилар. Бу тўфон балосидан фақат Нуҳ пайғамбарга эргашганларгина омон қоладилар. Шоир шу воқеага ишора қилиб, айтадики, Нуҳ минг йил яшаб, бор-йўғи бир тўфон кўрган бўлса, мен шу қисқагина умримда ҳам минг тўфон кўришга муяссар бўлдим. Албатта, бунда муболаға бор. Лекин бу билан шоир жуда оғир ҳаёт йўлини босиб ўтганлиги, ўзи яшаган даврининг олағовурлиги, мўғул ҳукмдорларининг шафқатсизлигини айтмоқда. Ҳа, бу маданиятсиз, тарбиясиз қавмдан халқимиз озмунча жабр кўрдими? Улар халқни қириш, эзиш билангина чекланиб қолмай, унинг маданияти ва санъатига ҳам тажовуз қилдилар, асрий қўлёзмалар, масжид-мадрасаларга ўт қўйдилар, қанчадан-қанча беномусликларга қўл урдиларки, уларни санайверсанг тилинг қабариб кетади!

Бу ерда Нуҳ пайғамбар ва ўзининг қисматини бир-бирига қарама-қарши қўйиш орқали шоир тазод санъатини ҳам қўллаган. Тазод - кенг истифода этиладиган бадиий тасвир воситаларидан бўлиб, «унда бир-бирига бутунлай зид бўлган тушунча ва образлар қарама-қарши қўйилади. Натижада, асарнинг таъсирчанлиги ортади, баён қилинаётган фикрга ўқувчининг қизиқиши кучаяди».

Жамиятда яшаб, жамиятдан ташқарида бўлиш мумкин эмас. Шу маънода, Паҳлавон Маҳмуд ҳам ўз даврининг дардларига кўзларини кўр, қулоқларини кар қилиб яшолмас эди. Замон, одамлар унинг қалбини тинимсиз яраладилар. Рубоийларидан бирида: «Мен дард эрурам, дард-тамоман жисмим!» - деб фарёд чекканида у ҳақ эди. Бу дардлардан «қиёматга қадар яраси битмас» юрак билан яшаб ўтган шоир қалбининг оғриқларини шеърларига нақшлади:

***Бир ёри вафодор киши йўқ оламда,***
***Дил маҳрами меҳрибон тополмай ғамда.***
***Инсон зотидан кутма вафо - асли азал***
***Бўлмайди вафо расми бани одамда.***

Шу ўринда, шоирнинг замондан шикоят қилиб ёзган рубоийлари унинг бошқа мавзулардаги рубоийларидан кўра мазмунан теран, бадиий жиҳатдан пишиқ, ҳаётий ва кўнгилга яқинлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Паҳлавон Маҳмуднинг рубоийнавислигининг пири муршиди Умар Ҳайём рубоийлари муқобилига қўйса, улар билан бемалол беллашадиган қатор мумтоз рубоийлар борки, уларда айнан кажрафтор фалак, тубан дунё, адолатсиз замондан шикоят ўзининг юксак бадиий ифодасини топган:

***Туз йўқ бу жаҳонда шу кеча-кундузда,***
***На ер туби, ва на кўк тоқида- юлдузда.***
***Туз конлари тузга конлигидан тузсиз,***
***Оҳ, бу не замонки, туз йўқ ҳатто тузда?!***

Нобоп замон учун бундан ортиқ айбнома бўлиши мумкинми?!

Шоир нобоп, адолатсиз замондан кўп жабр кўради. Фақат у эмас, у кабиларнинг барчаси шундай жабру ситамга мубталодирлар. Шунинг учун ҳам у замон - пуржафо, одамлар бевафо, деган хулосага келади:

***Давронки, ҳунар ғайри жафо йўқунда***
***Ҳам аҳли вафодан ошно йўқ унда***
***Мен ит бўлайин вафоси бор кимсага, бас,***
***Ит яхши кишиданки, вафо йўқ унда.***

Вафоли кишининг ити бўлишга рози бўлиши учун киши қанчалик бевафолар қуршовида қолган, улардан жабру ситам кўрган бўлиши керак! Шунинг учун ҳам шоир бу жоҳилу нодонлар билан бир дам ҳамсуҳбат бўлишдан кўра, ўтириб олиб Қоф тоғини ўғирди туйиш, ёки фалакни юрак қони билан бўяб чиқиш, ёки бир аср зиндонда азоб чекиб ўтишни афзал билади:

***Туймоқ неча Қоф тоғини ҳавон бирла,***
***Кўкни бўлмоқ юракдаги қон бирлан,***
***Зиндонда ётиш бир аср афғон бирлан,***
***Соз ҳамдам ўлишдан даме нодон бирлан!***

Машҳур француз мутафаккири Люк Вовенарг; «Ҳали ер юзида ўзи яшаган замонадон рози ёзувчи бўлган эмас», - деган эди. Бундан қалам аҳли борки, у даврдан норози бўлар экан-да, ёки ижодкор зоти фақат жабр кўрар экан-да, деб бирёқлама хулоса чиқаришга шошилмаслик керак. Бу шоирларнинг «пешонаси шўр»лигидан эмас. Балки уларнинг жабрдийда халқнинг қалбини байроқ қилиб кўтарганликлари туфайлидир. Чунки ёзувчи халқи ҳамиша инсон манфаатларининг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқади.

Кишилик жамияти ҳали мукаммал тузумни кўрган эмас. Ҳар қандай замоннинг ҳам ўзига яраша кемтиклари, оғриқли нуқталари бўлади. Буларнинг бари ёзувчининг қалби орқали ўтади. Таъбир ожиз бўлса, замондан, ёмон кимсалардан шикоят мотивлари ҳам азалий ва абадий мавзулардан - сўз санъати пайдо бўлибдики, бу мавзу ҳассослик билан қаламга олиниб келади ва у қиёматга қадар давом этиши муқаррар

Яхшилик ва ёмонлик, тўғрилик ва эгрилик, ҳалол ва ҳаром, садоқат ва хиёнат, муҳаббат ва нафрат каби қарама-қарши тушунчалар яшар экан, қандай қилиб шоирнинг қалби бутун бўлсин! Шоирлар - эзгулик элчилари!

Паҳлавон Маҳмуд бу дунёда «хаста кўнгли сира шод бўлмаган«лиги, чунки «фалакнинг иши буткул жабру жафо» эканлиги, шунинг учун ҳам «бечора дили ҳаётдан безор»лик даражасига етганлигини шеърга солади, «ҳар ёқдан ғам отган тошни» кўриши, «бахти ҳам тузсиз, ҳам шўр»лиги, «замон унга боқмаган»лигидан нолийди. Шоирни қийнаган дардлар аслида нафс дастида хор, маънавияти ночор бандалар ва ана шундай жоҳил кимсаларни алқаб, оқилларни эса хўрлаган замон туфайли эди.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

Республика фан ва технологиялар марказининг Давлат илмий-техника дастури доирасида кўплаб йирик тадқиқотлар амалга оширилмоқда. «Педагогик технология: назария ва амалиёт» деб номланган монография ҳам мазкур дастур асосида яратилди.

## ПЕДАГОГИК МОНОГРАФИЯ

Педагогик технология назариясининг шаклланиш ва тараққиёти тарихи, технологик ёндошув тамойилларини ёритишга бағишланган бу йирик илмий ишда ўқув жараёнини лойиҳалаш, хусусий фанларни ўқитиш жараёнига таълим технологиясини татбиқ этиш каби масалалар ҳам кенг таҳлил қилинган.

Мазкур монографиянинг чоп этилиши таълим муассасалари ходимларини педагогик технология назариясига оид батафсил маълумотлар билан қуроллантириш имконини берди.

**А.АЛИЕВ**

## АЖАБТОВУР ЎСИМЛИК ОЛАМИ

Приморье ўлкасининг жанубий қисмида темир қайин ёки Шмидт қайини деб аталадиган дарахт ўсади. Унинг поясини ҳатто болта ҳам кеса олмайди. Ўқ ҳам тешиб ўта олмайди.

Бу қайиннинг қаттиқлиги темирга тенглашади.

* * *

Ботаникларнинг ҳисобига кўра, ер юзида об-ҳавони олдиндан айтиб берадиган ўсимликларнинг 400 га яқин тури мавжуд.

* * *

Дунёда энг катта япроқ Амазонка дарёси соҳилларида ўсадиган Рафия пальмасиники экан. Унинг худди чодир каби кенг япроғининг узунлиги 22 метр, эни 12 метрга тенг, банди эса 5 метр келади.

Бундай биргина япроқ остида 10 киши ёмғир ёки жазирамадан қочиб паноҳ топиши мумкин.

* * *

Ўрта Осиё чўлларида учрайдиган қизилмия ўсимлигининг ажойиб хусусияти бор. Унинг ярқираган қизғиш-гунафша рангли гули ер остида чучук сув борлигидан дарак бераркан.

Агар ўсимлик гуллари рангпар бўлса, у ўсган ердаги сув шўр деяверинг.

# МУШУКЛАР ҚАБРИСТОНИ

Биласизми?

Уй мушугининг аждодлари илк бор ҳозирги Судан ҳудудидаги Нубиядагина яшаган. Ўша ерда улар дастлаб қўлга ўргатилган. Бундан тўрт минг йил муқаддам мушук Нубиядан Мисрга ўтган ва шу ерда бу тўрт оёқли жониворларнинг ғаройиб саргузашти бошланган...

Бундан тахминан юз йилча муқаддам археологлар қадимги Миср шаҳарларидан бирини қазиб очишган. Фақат... мушукларгина дафн этилган катта мозор ҳатто археологларни ҳам ҳанг-манг қолдирган. Гап шундаки, Қадимги Мисрда мушук муқаддас ҳайвон саналган, ҳатто одамлар мушукка йўл бўшатиб беришлари шарт бўлган. Ана шу тўрт оёқли махлуқни билмасдан ўлдириб қўйган кишининг ўзини «қотиллик рўй берган жойнинг ўзида» қатл этишган.

Мушук шарафига махсус Баст маъбудаси яратилган бўлиб, унинг номи билан аталувчи ибодатхонага байрам кунлари келувчиларнинг кети узилмасди. Ўша замонларда мушукнинг ўлими катта мусибат ҳисобланган, унинг жасадини мумиёлаб, иззатини жойига келтирган ҳолда алоҳида қабристонга дафн этишган.

Мисрдан мушуклар дастлаб Юнонистонга, кейин эса Римга олиб борилган. Қадимги юнонлар гарчи мисрликларнинг мушук олдида сажда қилишлари устидан кулсалар-да, ўзлари ҳам ноёб ва ғалати махлуққа ёмон муносабатда бўлишмаган.

Милоднинг VII асридагина мушук Европанинг бошқа мамлакатларига ҳам тарқалган. Сирасини айтганда, Европа мамлакатларини ўрта асрларда каламуш ва сичқонлар босиб кетган эди, уларга қарши курашда мушук инсоннинг бемисл ёрдамчиси бўлиб қолганди. Бироқ тақдирнинг киноясини қарангки, худди шу кезларда фақат қора мушук эмас, балки барча мушуклар учун аянчли давр бошланди. Жоҳил ва баттол ўрта аср руҳонийлари шу беозор махлуқни дўзах балоси, иблис элчиси, жодугарлар ҳомийси, жин-ажина деб эълон қилишди. Золимлар мушукларга йўқ ердаги азобларни беришди: тош боғлаб сувга чўктиришди, тириклайин гулханга ташлашди, сўнгра керосин қуйиб ёқиб юборишди, қўйингки, мушукларни қиришда ҳар қандай қабиҳликдан тойишмади. 962 йили Фландрияда аллақандай граф Балдуин ҳар йили мушуклар чоршанбасида шаҳардаги барча мушукларни энг баланд минорадан ерга улоқтириш ҳақида фармон чиқарди. Бу фармон қарийб ўн аср - 1868 йилга қадар амалда бўлди.

Дарвоқе, йўлни кесиб ўтган қора мушукдан ҳадиксираб юришдек ҳали ҳам баъзан учраб турадиган бидъат айни шу ўрта асрлардан бери давом этиб келаётган иллатдир.

**Н.СОЛИҲОВА**
**тайёрлади**

## ЁШ ТЕННИСЧИЛАР БАҲСИ

Наманганда 1991 йилда туғилган ўғил болалар ва қизлар ўртасида стол тенниси бўйича Ўзбекистон биринчилиги якунланди.

Финал беллашувида тошкентлик тенгқурлари Айнура Иброҳимова ва Ксения Раззоқовани мағлубиятга учратган Чуст шаҳрилик ёш теннис усталари Дилдора Қурбонова ва Гулноза Ҳошимова қизлар ўртасида жуфтлик баҳсида биринчи ўринни эгаллади. Ўғил болалар ўртасидаги финалда эса пойтахтлик Андрей Бутов ҳамда Дамир Капкаев Хоразм вакиллари Шуҳрат Шеров ва Сарвар Ражабовни мағлубиятга учратди.

Якка тартибдаги мусобақада Тошкент вилоятидан Айнура Иброҳимова ва наманганлик Иззатилло Нуриддинов чемпионат ғолиблари бўлди.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва меҳнат ҳақи бўлими мудири Лутфулла Тўлагановга волидаи муҳтарамаси

**НАСИБА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 15163 Буюртма Г— 314 1 2 3 4 5 6